

**O‘ZBEKISTON XITOYSHUNOSLIGINING ISTIQBOLLI RIVOJIDA
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI
XITOYSHUNOSLIK OLIY MAKTABINING O‘RNI VA VAZIFALARI**



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-27-11-15>

Феруза Хасанова

ТДШУ Хитойшунослик

олий мактаби бошлиғи

PhD, доцент

khasanovaferuza@inbox.ru

***Аннотация.** Ўзбекистонда хитойшунос кадрларни тайёрлаш долзарблиғи бир неча омилларга боғлиқ, хусусан, Хитой Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий ҳамкори бўлиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳар жиҳатдан ривожланмоқда. Хитой Ўзбекистонга инвестициялар киритмоқда ва кўплаб инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқда. Бу, ўз навбатида, хитойшунос мутахассисларга бўлган талабни оширади. Ҳозирги глобаллашув жараёнларида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий маданий алоқалар кучайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Хитой тилини биладиган мутахассислар маданий алмашинувда муҳим рол ўйнайди ва бу мутахассислар мамлакатнинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эга деб эътироф этишимиз лозим. Айнан шу омиллар боис ҳозирда хитой тилини биладиган мутахассисларга бўлган талабни оширмоқда. Бу эса Ўзбекистонда хитойшуносларни тайёрлашнинг долзарблигини белгилаб беради.*

***Аннотация.** Актуальность подготовки китаистов в Узбекистане обусловлена несколькими факторами, в частности, тем, что Китай является важным экономическим и политическим партнером Узбекистана, и отношения между двумя странами развиваются во всех отношениях. Китай инвестирует в Узбекистан и реализует множество инфраструктурных проектов. Это, в свою очередь, увеличивает спрос на специалистов по синологии. В современных процессах глобализации мы наблюдаем укрепление экономических и культурных связей между Китаем и Узбекистаном. Специалисты, владеющие китайским языком, играют важную роль в культурном обмене, и мы должны признать, что эти специалисты имеют огромное значение для будущего страны. Именно по этим причинам в настоящее время растет спрос на специалистов, владеющих китайским*

языком. Это определяет актуальность подготовки специалистов по синологии в Узбекистане.

Abstract. *The relevance of training Sinology specialists in Uzbekistan depends on several factors, in particular, China is an important economic and political partner of Uzbekistan, and relations between the two countries are developing in all respects. China is investing in Uzbekistan and implementing many infrastructure projects. This, in turn, increases the demand for Sinology specialists. In the current globalization processes, we can observe the strengthening of economic and cultural ties between China and Uzbekistan. Specialists who know the Chinese language play an important role in cultural exchange, and we must recognize that these specialists are of great importance for the future of the country. It is precisely because of these factors that the demand for specialists who know the Chinese language is currently increasing. This determines the relevance of training Sinology specialists in Uzbekistan.*

ТДШУда хитойшунослик тарихи анча узоқ. Буюк ипак йўлида марказий боғловчи бўлиб Марказий Осиё ўртасида жойлашган мамлакатимизда тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж доим кучли бўлган. Расман ушбу таълим даргоҳида шарқ мамлакатларини ўрганиш 1918-йилда Туркистон шарқ институтида бошланган ва бу масканда бошқа хорижий тиллар қатори хитой тил ҳам ўқитила бошлангани ҳақида маълумотлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 сентябрдаги ПҚ-2228 сонли қарорига мувофиқ Тошкент Давлат Шарқшунослик университетида Хитойшунослик факультети таъсис этилган бўлиб, 2024 йилнинг сентябрь ойидан эътиборан трансформация, оптимизация ва ҳалқаролаштириш натижасига кўра Хитой филологияси кафедраси Хитойшунослик Олий мактаби номи билан фаолият юрита бошлади.

Ҳозирги кунда Хитойшунослик Олий мактабида 21 кишидан иборат профессор –ўқитувчилар, жумладан 3 нафар профессор, 8 нафар доцент, 5 нафар катта ўқитувчи, 2 нафар ўқитувчи, 3 нафар стажер – ўқитувчи ва 2 нафар хитойлик волонтер ўқитувчи фаолият олиб бормоқда.

Бакалавриат босқичида хитой филологияси йўналишида бугунги кунда 230 нафар талаба хитой филологияси , магистратура босқичида 11 нафар магистрант, докторантура босқичида 13 нафар докторант таҳсил олмоқда олмоқда. Университетнинг турли йўналишларида, асосий шарқ тили сифатида жами 1030 нафар талаба хитой тилини ўрганмоқда.

Хитойшунослик Олий мактаби асосан Хитой тили ва адабиёти, унинг тарихи, Хитой маданияти, сиёсати, иқтисодиёти ва ҳаётнинг бошқа кўплаб

жиҳатларини ўрганадиган йўналишдир. Сўнгги йилларда глобаллашув ва халқаро муносабатларнинг мустақамланиши шароитида Хитойга тилига, адабиётига ва умуман Хитой феноменига қизиқиш сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хитойшуносликни ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга, чунки Хитой иқтисодиёт, маданият ва сиёсатда муҳим ҳамкордир.

Марказий Осиёда минтақасида жойлашган Ўзбекистон қадимдан Хитой билан анъанавий равишда яқин маданий, савдо ва дипломатик алоқаларни олиб боради. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик, савдо алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, таълим ва маданият соҳасидаги алмашинувлар табиийки шу соҳа нинг малакали мутахассисларига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда Хитойшуносликнинг ривожланиши бундай мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик стратегик шерикларидан бири бўлиб, Хитой тили, сиёсат, иқтисодиёт ва маданиятни ўрганиш икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очади.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг таркибий бўлинмаси бўлган Хитойшунослик Олий мактаби хитойшунослик соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Ўзбекистон Республикасида етакчи ўринни эгаллайди.

Малакали мутахассисларни тайёрлаш: Хитойшунослик Олий мактаби Хитой билан боғлиқ дипломатия, халқаро муносабатлар, бизнес, маданият ва фан каби турли соҳаларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашда базавий мактаб ҳисобланади. Тошкент давлат шарқшунослик университетида талабалар нафақат Хитой тилини, балки, Хитой тарихи, маданияти ва замонавий сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан ҳам шуғуллундилар.

Хитойшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар: сўнгги йилларда Хитойшунослик олий мактабининг илмий салоҳияти сезиларли даража ортиб бормоқда. Олий мактабда 4 та марказ бўлиб, Хитойшунослик соҳасининг илмий-тадқиқот, ўқув-услубий, маданий-алмашинув ва таржимашунослик йўналишларида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбек-Хитой илмий тадқиқот маркази Ўзбекистонда хитой тили, адабиёти, тарихи, фалсафаси, иқтисодиёти ва бошқа соҳаларида илмий тадқиқотларни амалга оширишда асосий платформа бўлиб, илмий ишларнинг муҳокамаси, апробацияси, тажриба алмашинув учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келадиган “Хитойшуносликнинг долзарб масалалари” илмий конференция Ўзбек хитойшунослигининг

брендига айланган десак муболага бўлмайди. Марказнинг вазифаси Хитой тили ва адабиёти, шунингдек, Хитойнинг Марказий Осиё ва Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришдир. Ушбу тадқиқотлар Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларини яхшироқ тушунишга, шунингдек, ҳамкорликнинг янги имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

ТДШУ ва ХХРнинг Гансу провинцияси ЮНЕСКО Ассоциацияси ўқув-услугий маркази ҳозирги кунда Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта мактаблар билан ҳамкорлик доирасида 1-синфдан то 11-синф мактаб ўқувчилари учун дарсликлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Олий мактабнинг деярли барча устозлари ушбу дарсликларни тузишга, таҳрир қилишга жалб қилинган.

ТДШУ ва Ланжоу университети билан ҳамкорлик доирасида “Маданий алмашинув” маркази турли маданий – маънавий тадбирларни амалга ошириб, университетлараро талабалар фаолиятини ёритиб келмоқда. Бу талабаларга ўз тажрибалари ва билимлари билан ўртоқлашиш, шунингдек қўшма лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиш имконини беради.

ТДШУ Хитойшунослик олий мактаби ҳамда Шанхай университети ҳамкорлиги доирасида таъсис этилган “ТДШУ-ШАНХАЙ УНИВЕРСИТЕТИ “CREATIVE WRITING” МАРКАЗИ ХХРнинг Хебей провинцияси таржимонлар уюшмаси билан ҳамкорлик ўргантиб, олий мактабнинг 10 нафар профессор-ўқитувчилари ушбу уюшмага аъзо бўлдилар.

Хитойшунослик олий мактаби талабаларга хитой тили ва адабиётини ўргатишдан ташқари, талабаларнинг кейинги касбий фаолияти учун катта аҳамият қаратиб келади.

Хитойшунослик Олий мактаби Хитой университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. ХХРнинг Ланжоу университети, Пекин тил ва маданият университети, Шанхай университети, Шимоли-Ғарбий университет, Шимоли-Ғарбий Минзу университети, Гансу сиёсатшунослик ва ҳуқуқ университети, Шенси педагогика университети, Ляонинг педагогика университетлари билан бугунги кунда фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бу борада, Ляонинг педагогика университети билан ҳамкорликда 5 йил давомида қўшма таълим дастури, Гансу сиёсатшунослик ва ҳуқуқ университети билан илмий лойиҳа, Ланжоу университети ҳамда Пекин тил ва маданият университети билан малака ошириш курсларини ташкил этилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Ҳозирги глобал ривожланиш даврида хитой тили ва умуман хитойшунослик илмининг таълим ва касбий фаолиятга интеграциялашуви муҳим йўналиш бўлиб, бу Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг

янги уфқларини очади. Бундан ташқари, жадал ривожланаётган технологиялар ва глобаллашув шароитида самарали ишлаш имконини берадиган ўқитиш ва тадқиқотлар учун рақамли платформалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, Хитойшунослик олий мактабига кўпгина масъулият юклайди. Келгусида, хитой тилини ва умуман Хитойни ўрганувчилар учун рақамли платформалар, онлайн дастурлар, инклюзив таълим учун дастурлар яратиш, таржимашунослик соҳасини янада ривожлантириш, хусусан синхрон таржимонлик мактабини такомиллаштириш каби амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради.